

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ЮСУПБАЕВ РУСТЕМ БАЗАРБАЕВИЧ**

**ЖАРРОХЛИК УСУЛИ БИЛАН ТУҒДИРИЛГАН АЁЛЛАРДА ОНАЛИК  
ЎЛИМИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ- 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Юсупбаев Рустем Базарбаевич**

Жаррохлик усули билан туғдирилган аёлларда оналик ўлимини  
камайтириш йўллари..... 3

**Юсупбаев Рустем Базарбаевич**

Пути снижения материнской смертности при оперативном  
родоразрешении..... 29

**Yusupbaev Rustem Bazarbaevich**

Waysof decrease in maternal mortality at operative  
deliver..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 56

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМий-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ЮСУПБАЕВ РУСТЕМ БАЗАРБАЕВИЧ**

**ЖАРРОХЛИК УСУЛИ БИЛАН ТУҒДИРИЛГАН АЁЛЛАРДА ОНАЛИК  
ЎЛИМИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ- 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.2.DSc/Tib148рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим тармоғига ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Расмий  
оппонентлар:**

**Аюпова Фарида Мирзаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Каттаходжаева Махмуда Хамдановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Негматжанов Боходур Балтаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи  
ташкilot:**

Днепропетровск тиббиёт академияси (Украина)

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_сон билан рўйхатга олинган). Манзил:100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй.Тел./факс: (+99871)-2623314.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А. В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Э. А. Шамансурова**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д. И. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда оналар ўлими ҳолатларининг 99%дан зиёдроғи ривожланаётган давлатларда, уларнинг ярмидан кўпроғи – Осиё мамлакатларида содир бўлиб келмоқда<sup>1</sup>. Сўнгги 10 йилликдаги оналар ўлими (ОЎ) таҳлил қилинганда, операция йўли билан туғдиришдаги муаммолар аниқланган бўлиб, булар йилдан-йилга такрорланиб, айниқса, кесарча кесиш (КК) йўли билан туғдиришда содир бўладиган қон кетишлар ОЎнинг асосий сабабчиси бўлиб келмоқда. Асоратларнинг аксарияти КК амалиёти вақтидаги давомли қон кетиши билан боғлиқ бўлгани учун, операция вақтида ўтказиладиган гемостаз, ҳамда қон кетишни барвақт аниқлаш ва даволашнинг самарали янги усуллари ишлаб чиқиш акушерлик амалиётида турган энг муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида оналар касалланиши ва ўлимини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қатор, илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада кушерлик амалиётида қон кетишларнинг хавф омилларини аниқлаш ва уларнинг таъсирини камайтириш; қон кетиш хавфи бўлган ҳомиладорларни ташхислаш ва даво усуллари оптималлаштириш; ҳомиладор аёлларни жарроҳлик йўли билан туғдиришда ва ундан кейинги асоратларни олдини олиш ва бартараф этишнинг замонавий усуллари татбиқ қилиш; аъзони сақловчи жарроҳлик тактикаларини ишлаб чиқиш каби йлмий йўналишлар устувор бўлиб қолмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада амалга ошириш” вазифалари белгиланган<sup>2</sup>. Бу борада, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга қўтариш, оналар ўлимига олиб келадиган акушерлик амалиётидаги қон кетишларининг сабабларини, хавф омилларини аниқлаш ва оптимал даво чораларини ишлаб чиқишга қаратилган инновацион технологияларни тадбиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ – 3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий

<sup>1</sup> Trends in maternal mortality 1990–2013. Geneva:World Health Organization; 2014 (<http://apps.who.int/>).

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»

ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларига мос равишда бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Оў ва касалланишини камайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёдаги етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, шу жумладан: American Academy College of Obstetricians and Gynecologists (ACOG), American Academy of Family Physicians, School of Public Health, Carolina Population Center, University of North Carolina at Chapel Hill (АҚШ), Department of Obstetrics and Gynecology, International Federation of Obstetrics and Gynecology (FIGO), Pushpagiri Medical College (Хиндистон), “Академик В.И.Кулаков номидаги акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази”, Сибир давлат тиббиёт институти (Россия), Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида (Ўзбекистон) амалга оширилмоқда.

Жаҳонда КК амалиёти вақтида ва амалиётдан кейинги даврда катта миқдорда қон кетиш (КМҚК) хавф омилларини аниқлаш, ташхислаш, даволаш ва олдини олишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: КМҚК хавф омиллари ишлаб чиқилган (American Academy College of Obstetricians and Gynecologists (ACOG)); кесарча кесиш (КК) амалиётида КМҚК билан боғлиқ генетик маркерлар аниқланган (American Academy of Family Physicians, School of Public Health, Carolina Population Center, University of North Carolina at Chapel Hill (АҚШ)); компрессион чокларнинг КМҚКда самарадорлиги ва камчиликлари аниқланган (Department of Obstetrics and Gynecology, International Federation of Obstetrics and Gynecology (FIGO)); сўнгги вақтда қоннинг ивиш тизимининг бузилиши билан кечувчи КМҚК сони ошаётганлиги кўрсатилган (Pushpagiri Medical College); акушерликда В-Lynch бўйича операцияси ишлаб чиқилган (University of Oldenburg, Германия; University of Bern, Швейцария); акушерликдаги қон кетишларнинг кутилмаганда ва катта миқдорда кузатилишини, бу эса турли соматик касалликлар ва ҳомиладорлик асоратлари замирида организмнинг адаптив имкониятининг пасайиши туфайли коагулопатия, шок ва полиорган етишмовчилик каби ҳолатларнинг тез ривожланишига олиб келиши

---

<sup>3</sup>Hindawi; [www. BMJ Open](http://www.BMJOpen); [www.guideline.gov](http://www.guideline.gov); <http://elibrary.ru> Maternal mortality factsheet No. 348. Geneva: World Health Organization 2014 ; Say L, Chou D, Gemmill A, Tunçalp Ö, Moller AB, Daniels JD, et al. Global causes of maternal death: WHO systematic analysis. Lancet Glob Health 2014; Trends in maternal mortality 1990–2013. Geneva:World Health Organization, 2014 (<http://apps.who.int/>).

аниқланган (Department of Public Health Sciences (AKSH); йўлдошнинг бачадонга ўсиб кириш ҳолларининг кўпайиши КК амалиёти вақтида ИЁАБ амалиётини бажаришни талаб этишини, бу эса баъзи ҳолларда операцияни бажараётган акушер учун амалга ошириб бўлмас масала эканлиги кўрсатилди (Академик В.И.Кулаков номидаги акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази” (Россия)).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида КК амалиёти вақтидаги қон кетишларни камайтирувчи янги усулларни ишлаб чиқишга қаратилган янги усулларни ишлаб чиқишда қаратилган устувор ахамиятга ега илмий изланишлар амалга оширилмоқда: ҳомиладорлик даври асоратлари кузатилган аёлларда акушерлик қон кетишларининг хавф омилларини олдини олиш мезонларини аниқлаш ва акушерлик қон кетишини профилактика қилиш; жарроҳлик йўли билан туғдириш вақтида катта миқдорда қон кетиш оқибатида содир бўладиган оналар ўлимини камайтиришни таъминлайдиган чора тadbирлар йўллари ишлаб чиқиш; туғдиришда қон кетиш хавфи бўлганда ёки қон кетаётганда компрессион-тикиш технологияларини қўллаб ўтказилувчи хирургик гемостазга дифференциаллашган комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш; атоник қон кетишларни бачадон компрессион чоклар қўйиш усуллари билан даволаш услубларини такомиллаштириш; қон ивиш тизимининг бузилиши билан кечувчи КМҚК олдини олиш ва дифференциал даволаш; тезкор акушерлик ёрдамни кўрсатиш жараёнида хирургик гемостаз усулларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ЖССТ тақиқотларининг кўрсатишича, жаҳонда оналар касалланиши ва ўлими кўрсаткичларининг камайишга мойиллиги кўп марказли рандомизацияланган текширувларнинг клиник амалиётдаги исбот базаси тамонидан тавсия этилган юқори самарали технологиялар ва ёндашувларнинг жорий этилиши натижалари билан боғлиқ (Say L., Chou D., Gemmill A, Tunçalp Ö, Moller A.B., Daniels J.D., 2014). КК операциясидаги асоратларни камайтиришга кўп сонли тақиқотлар бағишланган. Ушбу ишларда таъкидланишича, сўнги вақтларда қон ивиш тизимининг бузилиши билан кечувчи КМҚК ошиши кузатилмоқда (Цхай В.В., 2015). Йўлдошнинг бачадонга ўсиб кириши кузатилган ҳомиладорларни кузатиш ва туғдириш усуллари ҳақидаги масала очиклигича қолмоқда (Palacios-Jaraquemada J. M., 2009). Мазкур хатарли патология охириги вақтларда КК сонининг ўсиб бораётганлиги боис кўпаймоқда, бу деярли барча ҳолларда ИЁАБ амалиётини бажаришни талаб қилади, бу эса баъзи ҳолларда операцияни бажараётган акушер учун амалга ошириб бўлмас масаладир (O'Leary J. A. 1998, Ohkuchi A.2003, Бреслав И. Ю. 2009, Макенжан уулу А. 2014). В-Lynch бўйича операция кейинги йилларда акушерлик амалиётида ҳаётий муҳим операция бўлиб қолди (Lynch В.С., Coser A., Lawal А.Н., Abu J., Cowen M.J., 2014). Операциянинг самараси қон кетишининг дарҳол ва ишончли тўхтатилишига олиб келади, аммо сўнги вақтда мазкур чокларнинг салбий оқибатлари ҳақидаги маълумотларнинг пайдо бўлганлиги технологияни модификациялаш лозимлигини тақазо этади (Курцер М.А., 2013). В.В.Серовнинг (2011) маълумотларига қараганда Оў сабабларининг 25%и ташхислаш, акушерлик тактикаси ва жадал терапияда йўл қўйилган хатоликлар оқибатида келиб чиқувчи сабаблардир.

Оналар Ўлимнинг Критик Таҳлилининг 5 йиллик ҳисоботида кўра (Любчич А.С., Бабажанова Ш.Д., 2015) Ўзбекистонда 91% аёлларда қон кетиш хавфи кузатилган (уларнинг 48% преэклампсия кузатилган), 62% ҳолатларда ОЎТТБ содир булган, 76% ҳолларда субстандарт ёрдам кўрсатилган. 63% ҳолларда муаммо тунги пайтда юқори малакали тезкор акушерлик ёрдамни кўрсатиши мумкин бўлган ва хирургик гемостаз усуллари куллай оладиган шифокорларнинг йўқлиги ва шифокорни уйдан чақириш кераклиги қимматли вақтни йўқотишга сабаб бўлган. Қон компонентларининг кечикиб етказилиши 54% ҳолларда кузатилган. Асоратланган акушерлик анамнези бўлган 57% ҳомиладорлар 3 босқичда даволаниши керак эди, лекин уларда туғруқлар ТТБда содир бўлган. ССВ кўрсатишича кўпчилик туғруқ комплексларида 2500 кўпроқ туғруқлар кузатилади, навбатчиликда эса фақат 1 акушер-гинеколог шифокор қолади. КК кейинги реллапаротомиялар сонининг кўплиги (63%), акушер-гинекологларнинг хирургик тайёрлигининг паст даражада эканлигининг нисбий кўрсаткичидир (Нажмутдинова Д.К., 2016).

Кенг кўламли акушерлик қон кетишларида «А» даражали кўп марказли рандомизацияланган клиник тадқиқотларнинг ҳамда мета таҳлил тавсияларининг йўқлиги, ҳомиладорлик ва туғруқлардаги нохуш оқибатлар миқдорининг кўплиги мазкур патологияни олиб боришнинг мутаносиб тактикаси ва даволаш усуллари излаб топишни талаб қилади. Акушерлик соҳасидаги критик ҳолатлар тадқиқотчиларнинг изланишлари учун кенг имкониятлар очади, чунки проспектив текширувларни ўтказишнинг айрим услублари муайян қийинчиликлар туғдиради. Тадқиқот учун асосан ретроспектив таҳлил маълумотларидангина фойдаланиш мумкин, бу эса текширувларнинг валидлигини камайтиради. Сўнгги 10 йилликдаги оналар касалланиши ва ўлими таҳлил этилганда операция қилиб туғдиришдаги айнан аввалги муаммолар аниқланган бўлиб, булар йилдан-йилга такрорланиб келаётир (Асадов Д.А., 2003; Султанов С.Н., 2012; Нажмутдинова Д.К., 2014). Акушерликдаги операция амалиётларида келиб чиқувчи асоратларнинг суд-ҳуқуқий томонларига тааллуқли ишлар жуда кам. Юқорида келтирилганлар ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги шубҳадан ҳоли ҳамда ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг давом эттирилиши муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Тадқиқот натижалари амалий соғлиқни сақлаш соҳаси учун акушерлик қон кетишлари туфайли оналар касалланиши ва ўлимини камайтиришга йўналтирилган бехатар туғдириш усуллари ишлаб чиқиш имконини беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Яллиғланиш ва клапан генезига эга юрак касалликларига дучор бўлган ҳомиладорларда асоратларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг янги усулини ишлаб чиқиш» АДСС 2.3 амалий тадқиқот лойиҳаси (2012-2014йй) ва «Қон кетишнинг асосий детерминанталарини ҳисобга олган ҳолда акушерлик қон кетишларини даволаш ва назорат қилишнинг янги босқичма-босқич технологиясини ишлаб чиқиш» АДСС-15.2.2 амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2015-2017 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** жарроҳлик усули билан туғдирилган аёлларда акушерлик қон кетишдан асровчи янги йўллари ишлаб чиқиш ва унинг заминида оналар ўлимини камайтиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон Республикасида операция қилиб туғдириш пайтида оналар ўлимига олиб келган акушерлик қон кетишларининг сабабларини аниқлаш;

акушерлик қон кетишларида тиббий ёрдам кўрсатишдаги асосий нуқсонларни суд-тиббийёт экспертизаси бюроси маълумотларига кўра ишлаб чиқиш;

туғдиришда қон кетиш хавфи бўлганда ёки қон кетаётганда компрессион-тикиш технологияларини қўллаб ўтказилувчи хирургик гемостазга дифференциаллашган комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ҳамроҳ юрак-қон томир патологияси бўлган ҳомиладорларда КК амалиётини ўтказиш вақтида компрессион-тикиш технологияларининг самарадорлигини асослаб бериш;

операция йўли билан туғруқ қабул қилишда оналар ўлимини камайтиришнинг резерви сифатида акушерлик амалиётида қон кетишини босқичма-босқич назорат қилиш ва даволаш (damage control surgery) тактикасининг асосий қоидаларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** илмий тадқиқотлар 2009 йилдан 2015 йилгача туғуруқда қон кетиш хавфи кузатилган 417 та КК усули билан туғдирилган ҳомиладор аёллар туғуруқларини ретроспектив ва проспектив ўрганиш ва комплекс даволаш натижаларига асосланган.

**Тадқиқотнинг предмети** қон ва қоннинг ивиш тизими умумий кўрсаткичлари, йўқотилган қон ҳажми, бачадон томирларини вақтинчалик окклюзиялаш усули, қон кетишидан асровчи компрессион-чоклаш технологиялари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун клиник-анамнестик, умумклиник ва лаборатор текширувлар ҳамда исботларга асосланган тиббийёт йўналишига мувофиқ клиник параметрларга статистик ишловини бериш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бачадон артерияларида қон оқимини вақтинчалик тухтатиш усулига - IAP 2012 0058 олинган ва қон айланиши етишмовчилиги билан асоратланган ҳамроҳ юрак-қон томир патологияси мавжуд ҳомиладорларнинг туғруғи вақтида бу усулнинг самарадорлиги асослаб берилган;

интраоперацион атоник қон кетишларни даволаш учун компрессион чокларнинг модификацияланган усули ишлаб чиқилган (IAP 2014 0364), ушбу технология кесимида кесарча кесиш амалиётидан сўнг реллапаротомия ва катта миқдорда қон кетишнинг самарали даволаш усули тасдиқланган;

абдоминал туғдиришда оналар ўлимига сабаб бўлувчи катта миқдорда қон кетишнинг асосий триггер механизмлари аниқланган;

вақт чекланган шароитда жарроҳлик гемостаз усулининг устувор йўналишларини аниқлаган ҳолда қон кетиш даражасининг оғирлигини баҳолаш ва даволаш тактикасининг комплекс дастури ишлаб чиқилган;

қон кетиш манбасига қиёсланган холда кичик чаноқ аъзолари томирларини деваскуляризацияси илк бор ишлаб чиқилган;

биринчи бор компрессион-чоклаш технологияларига (КЧТ) нисбий қарши кўрсатмалар аниқланган, КЧТ қўлланилганда операциядан кейинги даврни олиб боришнинг хусусиятлари ёритилган;

катта миқдорда акушерлик қон кетаётганда хирургик амалиётини тайерлаш ва уни ўтказиш вақтида босқичма-босқич назорат қилиш ва даволаш тактикаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қон кетишнинг мониторинг харитаси ишлаб чиқилган;

кесарча кесиш операция вақтида КМҚК хавфи бўлган ҳомиладорларда абдоминал йўл билан туғруқ қабул қилиш алгоритми ишлаб чиқилган;

қон билан таъминланиш, акушерлик патологияси ва қон кетиш оғирлигининг хусусиятлари кесимида компрессион-чоклаш технологияларига кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

бачадон томирларини вақтинчалик окклюзиялаш ва атоник қон кетишларини интраоперацион даволаш учун компрессион чокларнинг модификацияланган усули жорий этилган;

шошилиш акушерлик ёрдамни кўрсатишда қон кетишни босқичма-босқич назорат қилиш ва даволаш “damage control surgery” тактикаси ишлаб чиқилган;

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти беморнинг клиник ҳолати, акушерлик вазияти ва ҳамроҳ патологияга мувофиқ операция амалиётини ўтказиш тактикаси баённомалари ва алгоритмлари жорий этилган. Акушерлик қон кетган ҳолатларда кичик чаноқ аъзоларининг қон билан таъминланишига кўра (ички ва ташқи ёнбош артериялардан таъминланишига кўра) клиник-анатомик тақсимланиши усули яратилган ва патогенетик асослаб берилган. Мазкур тақсимланишга асосан меъёрда ва пастда жойлашган йўлдошнинг муддатидан олдин кўчишида, йўлдошнинг марказий олдинда келишида, ва бачадон деворига ёпишишида ва ўсиб киришида хирургик гемостаз тактикаси ва усуллари асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти: қон айланиши етишмовчилиги билан асоратланган юрак-қон томир патологияси мавжуд бўлган ҳомиладорларнинг туғруқ даврида гемостазнинг устувор усуллари тадбиқ этилган. Шошилиш акушерлик ёрдам кўрсатиш вақтида босқичма-босқич назорат қилиш ва даволаш тактикаси ёки “damage control surgery” жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жаррохлик усули билан туғдирилган аёлларда оналик ўлимини камайтириш йўлида олинган илмий натижалар асосида:

“Бачадон артерияларида қон оқимини вақтинчалик тухтатиш” усули Ўзбекистон Республика интеллектуал мулк агентлиги патенти олинган (IAP 2012 0058). Мазкур усул КК амалиётидаги массив қон кетишларнинг камайишига, шунингдек ЮКТК бўлган ҳомиладорларда КК амалиётдан кейинги геморрагик асоратларнинг камайишига, инфузиянинг пасайишига, утеротоникларни қўлланишнинг камайишига ва мос равишда уларнинг юрак-қон томир тизимида салбий таъсирининг камайишига олиб келди;

“Гипотоник қон кетишини операция вақтида даволаш усули” Ўзбекистон Республика интеллектуал мулк агентлиги патенти (IAP 2014 0364) олинган. Бунда интраоперацион атоник қон кетишларини даволаш учун модификацияланган компрессион чокларни тадбиқ этиш натижасида КК амалиётдан кейинги релапаротомиялар сонини 29,4% га камайтириш имконини берди;

туғруқ муассасаларида перинатал ёрдам сифатини яхшилаш бирламчи муассаса шифокорларига акушерлик қон кетишларини барвақт аниқлаш, асоратларнинг олдини олиш ва ОЎни камайтириш мақсадида миллий стандартга “Чилла даврида кечки қон кетиш” «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш тизимида туғруқ муассасалари перинатал ёрдам сифатини яхшилаш миллий стандартлари» бўлими янгиланган, 2015; бу эса, ўз навбатида, акушерлик қон кетишларни барвақт аниқлаш, асоратларини олдини олиш имконини беради;

“Акушерликда қон кетишларни босқичма-босқич назорат қилиш ва даволаш тактикаси” (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 24 ноябрдаги 8 н-р/617-сон маълумотномаси), “Акушерлик қон кетишларда кичик чанок аъзоларини қон билан таъминланишини инобатга олган ҳолда хирургик амалиёт хусусиятлари” (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 2 май 8н-р/103-сон маълумотномаси) услубий тавсияномалар ва “Юрак касалликлари бўлган ҳомиладорларни олиб бориш ва туғдириш” (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013йил 23 октябрдаги 8н-п/ 324-сон маълумотномаси) ва “Абдоминал усули билан туғдиришда қон тўхтатувчи технологиялар” (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 23 октябрдаги 8н-п/324-сон маълумотномаси) услубий қўлланмалар тасдиқланган. Олинган тадқиқот натижалари КК амалиётдан кейинги геморрагик асоратлари ва катта миқдорда қон кетишининг камайишига, инфузиянинг пасайишига ва туғаётган аёлларда жаррохлик усулини тўғри танлаш имконини яратган;

жаррохлик усули билан туғдирилган аёлларда оналик ўлимини камайтириш йўлида ишлаб чиқилган тавсияномалар ва қўлланмалар РИАваГИАТМ ва унинг филиалларида, шунингдек Андижон, Фарғона, Тошкент вилоят перинатал марказларида жорий этилган (ЎЗР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 8Д-3/8 22.01.2018й даги хулосаси). Тадқиқот натижаларининг тадбиқ этилиши геморрагик асоратларнинг учрашини, шу жумладан гистерэктомиялар ва операциядан кейинги бошқа асоратларни 22% дан 12,2%гача пасайтириш имконини берган ва 1 йил мобайнида иқтисодий самараси 5179736714 сўмни ташкил қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий натижалари 17 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 2 та халқаро ва 14 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация материаллари бўйича 54 та иш, улар орасида 21 та мақола Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилишга тавсия қилган илмий нашрларда, шу жумладан 6 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган; ихтиро учун 2 IAP 2012 0058 ва IAP 2014 0364 тасдиқланган; шунингдек 1 та монография нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация компьютерда терилган 191 бетлик матнда баён қилинган бўлиб, кириш, олтита боб, хотима, қўлланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қон кетишдан оналар ўлими ва уни камайтириш йўллари**» деб номланган биринчи бобида оналар касалланиши ва ўлимига олиб келувчи қон кетишини ташхислаш ва даволашга бағишланган сўнгги йиллар адабиётлари шарҳига бағишланган. Ўзбекистонда операция билан туғдиришда оналар ўлимининг сабаблари, кесарча кесиш операцияси ва унинг ОЎ келиб чиқишидаги аҳамияти баён этилган. Сўнгги йиллар таҳлили дунёнинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам операция билан туғдиришнинг ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда. «Damage control» жарроҳлик тактикаси ёки «Шикастни назорат қилиш» тактикаси шарҳи келтирилган. Турли хирургик компрессион чокларнинг, баллонли тампонада ва бошқа қон тежовчи технологиялар кўринишидаги қон кетишини тўхтатиш ва унинг олдини олишнинг замонавий усулларига алоҳида эътибор қаратилган. Муаллифнинг яқуний хулосасига кўра, қонни тўхтатишга оид тажрибадан ўтган анъанавий чора-тадбирлар ўз самарасини йўқотмаган бўлсада, қон кетишлари Ўзбекистонда ОЎнинг асосий сабабчиси бўлиб қолмоқда, бу эса ОЎга олиб келувчи омилларни аниқлашни, қон тежовчи мавжуд технологияларни такомиллаштиришни ва янгиларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Диссертациянинг «**Жарроҳлик усули билан туғдирилган аёлларда оналик ўлимини камайтириш йўллари**ни ишлаб чиқишда клиник материаллар ва тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари баён этилган. Тадқиқот 2009 дан 2015

гача бўлган йиллар оралиғида кесарча кесиш йўли билан туғдирилган аёлларнинг туғруқлар тарихини ретроспектив ва проспектив текширишлар ҳамда комплекс даволаш натижаларига асосланган. Текширилганларнинг умумий сони турли хатарлари бўлган ва туғруқ пайтида қон кетиши содир бўлган 417 нафар ҳомиладорлардан ташкил топган. Текширув дизайни 3 та текширув фазаларини қамраб олган. Текширувнинг ретроспектив фазасида 1-босқичда қон кетишларда ОЎ сабабларини аниқлаш учун ОЎ таҳлил қилинган. Бунинг учун 1-гуруҳда сўнгги 5 йилдаги ОЎнинг ретроспектив таҳлили ўтказилган (n=149). Қўшимча равишда ОЎда акушерлик қон кетишлари билан боғлиқ суд-тиббиёт экспертизаси материаллари бўйича касаллик тарихлари ўрганиб чиқилган (2-гуруҳ, n=25).

Проспектив фазада турли когорталарда ККда қон кетиш хавфи бўлганида ёки қон кетаётганида ишлаб чиқилган қон тежовчи технологияларни босқичма-босқич баҳолаш ўтказилган. 1-босқичда қўйилган вазибаларга мувофиқ 1-гуруҳда (n=120) КК ўтказишда қон кетишларини тақсимлаш усули, унинг самарадорлиги ҳамда асосланганлиги баҳоланган. 2-босқичда КК операцияси пайтида кўп микдорда қон кетиш (КМКК) кузатилган 2-гуруҳда (n=177) патологик қон кетаётганида ёки бунга хавф туғилганида компрессион-чоклаш технологияларини (КЧТ), шу жумладан бачадон томирларни вақтинча окклюзиялашнинг услублари (БТВОУ патент IAP 2012 0058) ва КЧ ни қўллаган ҳолда КК операциясини ўтказишда ишлаб чиқилган алгоритм самарадорлиги ўрганилган. Бунда магистрал бачадон артерияларини вақтинчалик окклюзиялашпатентланган услублари, шунингдек атоник қон кетишларини интраоперацион даволаш учун компрессион чоклашнинг (КЧ) модификацияланган усулиқўлланилган.

Навбатдаги босқичда 3-гуруҳда (n=134) қон айланиш етишмовчилиги (ҚАЕ) билан асоратланган юрак қон томирлар патологияси бўлган (ЮҚТП) ҳомиладорларда абдоминал туғдиришда ишлаб чиқилган қон тежовчи технологияларнинг самарадорлиги текширилган.

Сўнгги текширувлар фазасида турли когорталарда қўлланилган, биз ишлаб чиққан қон тежовчи технологиялар ва алгоритмларни ўз ичига олувчи қон кетишини босқичма-босқич назорат қилиш ва даволаш тактикасининг ёки акушерлик амалиётидаги damage control surgery-нинг асосий қоидалари баён этилган, тадқиқотнинг ретроспектив фазасида олинган маълумотларга таққосланган ҳолда самарадорлиги баҳоланган. Бобда умумклиник ва хусусий услубларни қамраб олувчи тадқиқот услублари баён қилинган. Қон кетишини аниқлашда қон кетиши кузатилган беморларни даволашга оид миллий стандарт томонидан тавсия этилган қон кетиш даражасини аниқлашнинг таҳминий харитасидан, визуал ва гравиметрия услубларидан фойдаланилган. Қон кетишини градациялашнинг ишлаб чиқилган услубини асослаб берар экан муаллиф шуни таъкидлайдики, даволаш ва хирургик гемостаз тактикасини ишлаб чиқишда йўқотилган қон ҳажмини аниқлаш катта аҳамият касб этади. ОЎ таҳлил этилганда қон кетишига ҳар доим ҳам етарлича эътибор берилмаганлиги аниқланган. Буларни ҳисобга олган ҳолда муаллиф хирургик амалиётнинг услубларини ва уларнинг оқибатларини,

кетаётган қоннинг анатомик манбаини (ички ва ташқи ёнбош артериялари ҳавзаларидан қон билан таъминланишига кўра), адабиёт маълумотлари ва хусусий тадқиқотлар натижаларига мувофиқ қон кетиш ҳажмини тизимга солган ва акушерлик қон кетишларини шартли равишда 3 турга бўлувчи клиник-анатомик таксимлашни таклиф қилган, бу эса акушер-гинекологни кутилаётган қон йўқотилишидан бохабар этиш баробарида вақт зик бўлган шароитларда қон йўқотиш ҳажмига боғлиқ бўлмаган хирургик гемостаз тактикасини белгилаш имконини беради.

Бобда диссертация ишининг асосий қисми – қон кетишини босқичма-босқич назорат қилиш ва даволаш тактикаси (ҚҚББНҚДТ) тасвирланган. Қон кетишини босқичма-босқич назорат қилиш ва даволаш усули 3 босқичдан иборат. 1-босқич – қон кетишини даволашнинг миллий стандартига мувофиқ бирламчи ёрдам, қон кетиш сабаблари ва манбаини излаш, пастки-ўрта лапаротомия ва клиник вазиятга ҳамда шифокорнинг тажрибасига қараб вақтинчалик ёки доимий гемостаз. 2-босқич: гемостазга эришилгач, гомеостазни тиклашга қаратилган чора-тадбирларни олиб бориш учун операцияни тўхтатиш. 3-босқич: операцияни давом эттириш ва буткул гемостаз.


Excel for Windows XPни қўллаган ҳолда статистика ишлови берилган. Ўртача арифметик (M), унинг хатолиги (m) ҳисоблаб чиқарилган, тафовутлар фарқи Стьюдент мезонлари (t) ёрдамида топилган. Қуйидаги асосий параметрларни ҳисоблаш орқали исботларга асосланган тиббиёт усуллари қўлланган. 1. Нохуш оқибатлар учрашининг нисбий пасайиши (нисбий хатарнинг пасайиши - НХП). 2. Нохуш оқибатлар учрашининг мутлақ пасайиши (мутлақ хатарнинг пасайиши - МХП). 3. Хатарлар нисбати - ХН .4. Битта нохуш оқибатнинг олдини олиш ёки битта беморда яхши самарага эришиш учун муайян вақт давомида даволаш лозим бўлган беморлар сони (ДЛБС). 5. Имкониятлар нисбати - ИН.

Диссертациянинг «**Оналар ўлимининг асосий детерминантларини аниқлаш тадқиқоти натижалари**» деб номланган учинчи бобида сўнги йиллар ичида оналар ўлимини ретроспектив таҳлил қилишнинг натижалари ва оналар ўлимида аниқланган қон кетиши асосий детерминанталари келтирилган. 2009-2014 йй. даври мобайнида операция билан туғдиришда келиб чиққан қон кетишларидан ўлган аёлларнинг 149 та туғруқ тарихлари ретроспектив таҳлил қилинган. Оў сабабларини таҳлил қилиш мақсадида она ўлимини анъанавий муҳокамаси материалларидан фойдаланилди: оналар ўлими ҳолатларини эксперт баҳолаш харитаси (ЎзР ССВнинг 2012 й 3 октябрдаги 283-сонли буйруғига илова), шунингдек вақт қониниумида 7 та ахборот блокларидан ташкил топган қон кетишини мониторинглаш ва аудитлашнинг ишлаб чиқилган харитаси, булар амалиётнинг вақтга мувофиқлигини, қон кетиш графигини, инфузион терапиянинг мутаносиблигини, клиник симптомларини лаборатория маълумотлари билан таққослашни ва бой берилган имкониятларни аниқлаш ҳақидаги ахборотларни қўлга киритиш имконини берган. Харитада тик чизиқ бўйлаб етита блокка ажратилган клиник параметрлар жойлаштирилган: 1) паспорт қисми; 2) гемодинамика маълумотлари: пульс, АБ, Альговер индекси; 3) қон таҳлиллари маълумотлари,

Нг, Нт, қон ивиш вақти (ҚИВ); 4) блок йўқотилган қон ҳажми ва инфузион дастурни акс эттиради; 5) утеретоник ва гемостатик препаратларнинг қўлланишини акс эттиради; 6) блок қон кетишини даволашга доир муолажаларни қайд этади; 7) охириги блок асоратларни акс эттиради. Мониторинглаш харитасини қўллаган ҳолда қон кетиши бошлангандан сўнг дастлабки 24 соат давомида содир бўлган ОЎ ҳолатлари ўрганилган, зеро айнан илк соатлар даволашнинг оқибатларини белгилаб беради.

Ўртача ёш  $28,7 \pm 0,5$  йилни ташкил қилди. Ретроспектив таҳлилнинг асосий маълумотлари 1-расмда келтирилган.

### Оўни ретроспектив таҳлили натижалари (1 гуруҳ)



### Оналар ўлимида қон кетишлари таркиби



1-расм. ОЎ ретроспектив таҳлилининг асосий натижалари

Текширилаётган гуруҳда хирургик аралашувлар таҳлил этилганда гистерэктомиялар сонининг кўплиги (81,8%) ва аъзони сақловчи компрессион-чоклаш технологияларининг кам қўлланилганлиги аниқланган, булар ҳам хирургик гемостазнинг кечикканлигидандалолат беради. Реллапаратомиялар (29,5%), ререллапаратомиялар (6,0%) миқдорининг кўплиги қайд этилган. Мониторинглаш харитасини қўллаш натижаларига кўра аниқланишича, гемоглобин операциягача  $76,5 \pm 2,3$  г/л ни, операциядан кейин  $55,3 \pm 3,4$  г/л ни ташкил қилган. Ўртача қон йўқотиш ҳажми, туғруқ тарихлари маълумотларига кўра,  $1726,5 \pm 97,12$  мл ни, шок индекси  $1,39 \pm 0,4$  ни ташкил этган, бу ЦҚХнинг 30% дан зиёд қон йўқотилишига тўғри келади.

10% ҳолатларда қон кетиш миқдори умуман қайд этилмаган. Қўйилган коллоид ва кристаллоид суюқликларнинг ҳажми ўртача  $3256 \pm 88,4$  мл ни ташкил қилди. Қон препаратларини қўллаш 63% ҳолатларда қайд этилди.

Бу маълумотлар гемодинамика ҳолати инфузион терапиянинг кўламига мос эмаслигидан далолат беради – циркуляциядаги қон ҳажмининг (ЦҚХ) қарийб 30%идан ортиқроқ қон кетишига мос келувчи, шок индекси 1,39 бўлганида инфузия ҳажми 5-6 л бўлиши лозим эди, амалда эса  $3256,6 \pm 88,4$  мл ни ташкил қилган, бу инфузия дастурининг хато эканлигидан дарак беради. Касалхонага келганда ва динамикада қон ивиш тизимини текширишлар фақат 34,8% ҳолатлардагина касаллик тарихларида ўз аксини топган, бу коагулопатик қон кетишлари содир бўлишига ҳушёрликнинг йўқлигидан далолат беради. Қон йўқотишлар графиги вақт бўйича ҳисобланганда дастлабки соатда йўқотилган қон ҳажми  $1656,25 \pm 61,0$  мл, иккинчи соатда ўртача  $1555,55 \pm 58,3$  мл, учинчи соатда  $1666,66 \pm 26,20$  мл ни ташкил этди. Қон кетиши мониторинги харитасини қўллаб аксарият ҳолларда акушерлик қон кетишларини даволашга доир асосий тавсияларга риоя қилинмаганлиги (70,4%) аниқланган. Инфузион-трансфузион дастур, реанимациянинг асосий омили сифатида, ЦҚХни тўлдиришга оид тавсияларга номувофиқ тарзда ўтказилган. Окситоцин ва мизопростол эса бачадон атониясини даволаш учун мос келмайдиган дозаларда қўлланилган, протеазалар ингибиторлари кам қўлланилган, бу ТДИ (ДВС)-синдромининг ривожланишига ёрдам берган бўлиши мумкин. Аортани қисиб қўйиш ва тампонлашнинг турли усуллари каби қонни вақтинчалик тўхтатишнинг оддий усулларида кам фойдаланилган. Шунингдек динамикада қон ивиш тизимини мониторинглашнинг қўлланилмаслиги қон кетишини даволаш тактикасида йўл қўйилган катта хатолик ҳисобланади. КМҚКнинг дастлабки соатларида ёрдамнинг номуносивблиги полиорган етишмовчилик синдроми (ПОЕ) ва летал оқибатларнинг ортишига олиб келади. Патологоанатомик ёриб кўриш бор-йўғи 10,7% ҳолларда ўтказилган, бу ўлимнинг ҳаққиқий сабабларини аниқлаш имконини бермайди. Кесарча кесишда реллапаротомиялар (n-34) сабабларини текширишнинг натижалари келтирилган. Реллапаротомияларнинг асосий сабабларини аниқлаш учун баҳолаш курили сифатида қон кетишини мониторинглаш харитасидан фойдаланилган. Кесарча кесиш операциясига кўрсатмалар турли-туман бўлиб, гипертензив бузилишлар фонидagi нормал жойлашган йулдошнинг барвақт кучиши (НЖЙБК) устунлик қилган (33,3%), мазкур тоифага тааллуқли беморларда коагулопатия кузатилган. Атоник қон кетишларига (утеротоникларни ва уларнинг дозаларини нотўғри танлаш, КЧ ни қўлламаслик) ва ташқи қон кетишларига сабабчи бўлган нотўғри тактика 35% ҳолларда реллапаротомияларга кўрсатма бўлиб хизмат қилган. Ички қон кетиши кўпинча (47%) техник хатоликлар ва коагулопатияларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган. 23,5% ҳолларда бошқа кўрсатмалар (септик асоратлар) реллапаротомияга кўрсатма сабаблар булган.

Суд-тиббий экспертизаси бюросининг маълумотларига кўра акушерлик қон кетишларида шифокор ёрдамини кўрсатишдаги нуқсонларни текшириш

натижалари 3- бобнинг туртинчи кисмида қон кетиши билан боғлиқ ОЎда суд тиббиёти ходимлари билан биргаликда шифокорнинг ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларни аниқлаш мақсадида олиб борилган текширувларнинг асосий натижалари баён этилган. Муаллифнинг қайд этишига қараганда суд органларига қилинган мурожаатлар сонига кўра акушер-гинеколог шифокорлар етакчи ўринларни эгаллайдилар. Қўйилган вазифани бажариш доирасида судга мурожаат учун сабаб бўлган қон кетишлардаги ОЎ ҳолатлари (n=25) таҳлил этилди. Қарийб 78% ҳолатларда касаллик тарихларини тўлғазишдаги хатоликлар ва ёзувлардаги ноаниқликлар аниқланган. 25 ҳолатнинг 17 тасида пациентларда чуқур шок ҳолати замирида турли кўрсатмаларга кўра гистерэктомия операциялари ўтказилган, бу фалокатнинг дастлабки соатларида муносиб тарзда ёрдам кўрсатилмаганлигидан далолат беради. 78% ҳолатларда ЦҚХни қон препаратлари билан тулгазиш вақтига ва ҳажмига кўра, шунингдек гемоглобин кўрсаткичлари ниҳоятда паст (30-50 г/л) бўлганида, номутаносиб тарзда тўлдирилганлиги аниқланган. Стационардаги беморнинг тиббий ҳужжатларини таҳлил қилиш тиббий ёрдам кўрсатишда 3 хил турдаги хатоликлар мавжуд эканлигини ажратиш имконини берди: даволашдаги нуқсонлар – даволаш стандартларидан четга чиқишлар – 78%, номутаносиб даво ўтказиш – 70%, даволаш баённомасининг (стандартининг) хирургик сегментини бажармаслик – 60%.

Тиббий ёрдамни ташкиллаштиришдаги нуқсонлар тўлақонли ёрдам кўрсата олувчи ходимларнинг йўқлигида ўз аксини топган, бунинг учун 34% ҳолларда бошқа малакали мутахассислар уйдан чақиртирилган, ва натижада, ёрдам кечикиб кўрсатилган. Шундай қилиб, акушерлик қон кетишларида тиббий ёрдам кўрсатишдаги нуқсонларнинг сабабларини суд-тиббий экспертизаси маълумотлари бўйича текширилганда шошилишч ургент хирургик ёрдам кўрсатувчи врачларнинг малакасини ошириш зарурлиги аниқланган.

Биобарин, олиб борилган ретроспектив текширувларнинг натижалари қуйидагидан дарак беради – преэклампсия замирида нормал ёки пастда жойлашган йулдошнинг барвақт кўчиши кўринишидаги ҳамда ҳомиланинг антенатал ўлими билан кечувчи йулдош патологияси (35,0%) танатогенезда КМАҚКлари ривожланишининг асосий триггери ҳисобланади. НЖЙБКда туғруқ қабул қилишда коагулопатиянинг ривожланиши НЖЙБКнинг оқибатигина эмас, балки унинг сабабчиси ҳамдир. Айни вақтда 12% ҳомилдорларда хатар мавжуд бўлмаганида содир бўлган ОЎ ҳар қандай ҳомилдорда КМҚК ривожланиши мумкин эканлигидан гувоҳлик беради. Хирургик гемостазга тааллуқли сегмент стандартларига риоя қилмаслик гемостазнинг кечикиб ҳамда ноадекват ўтказилишига, акушерлик ёрдамнинг босқичма-боқичлиги бузилишига олиб келади. КЧ қўллаб ўтказилувчи хирургик гемостаз - қон кетишини даволашдаги муваффақиятнинг асосий омилидир. Шундай қилиб, исталган гуруҳда КМҚКнинг ривожланиш хавфи қон кетишнинг дастлабки соатларида самарали, ҳаммабоп ва камхарж қонни асраш технологияларини яратиш заруратини тақозо этади. Технологиялар ҳар хил даражадаги туғруққа ёрдам муассасаси ҳамда ҳар қандай тоифадаги шифокор учун мослаштирилган бўлмоғи лозим.

Диссертациянинг «Ишлаб чиқилган қонни асровчи усулларни қўллаш натижалари» деб номланган тўртинчи бобнинг биринчи қисмида «Қон кетишини клиник-анатомик тақсимланишини қўлланилишини баҳолаш» да кесарча кесиш йўли билан туғдириш вақтида кўп қон кетган 120 нафар ҳомиладорларни текшириш натижалари келтирилган, буларда қон кетишини тақсимланишининг ишлаб чиқилган усули ҳамда “Бачадон артерияларида қон оқимини вақтинчалик тухтатиш” Ўзбекистон Республика интеллектуал мулк агентлиги патенти олинган (IAP 2012 0058) ва “Типотоник қон кетишини операция вақтида даволаш усули” Ўзбекистон Республика интеллектуал мулк агентлиги патенти (IAP 2014 0364) қўллаган ҳолда даволаш усулидан фойдаланилган. Муаллифнинг таъкидлашича, йўқотилган қон ҳажмини аниқлаш даволаш ва хирургик гемостаз тактикасини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга бўлиб, унга доимо кам аҳамият берилади. Ишлаб чиқилган акушерлик қон кетишини тақсимланиш усули акушер-гинекологни кутилаётган қон кетишига ҳозирлайди ва шунга мос ҳолда даволаш тактикаси ишлаб чиқилади.

Мазкур тақсимланишга мувофиқ қон кетишнинг 1-тури – қон кетиш манбаи бачадон атониясида бачадон танаси соҳасида, ички ёнбош артерияси хавзасидан қон билан таъминланади. Қон кетишининг 2-тури пастки сегментдан қон кетиши – бачадон бўғзи, бачадоннинг пастки сегменти, йўлдашнинг пастда жойлашувида ҳамда йўлдашнинг қисман олинда келишида; ички ёнбош ва қисман ташқи ёнбош артерия анастомозлари ҳисобига қон билан таъминланади. Қон кетишининг 3-тури – қон кетиш ўчоғи жойлашган ўрни: бачадон бўйни, қиннинг юқори қисми (1/3) қисми, параметрий ва қорин парда орти соҳаси; бачадон ёрилганида ва бачадон томирларининг жараҳатланишида қоринпарда ортида гематома ҳосил бўлганида. Бунда ташқи ва ички ёнбош артериялар хавзасидан қон билан таъминланади. Шунингдек 4 «Т» га кўра қон кетишининг етакчи манбаи сифатида «Тўқима», «Тонус», «Тромбин» йулдош жойлашган соҳадан қон кетишига киритилди. Юқорида баён этилган ҳолатларда қон кетаётган манба сифатида йулдош ўрнини блокадалашга тўғри келади ва бунда кўпинча веноз қон кетиши кузатилади, шу сабабли ҳам йулдош жойлашган соҳадан қон кетиши алоҳида ажратилган. «Травма (шикаст)» шикастланиш туфайли қон кетишига киритилиб, бунда кўпинча артериал ёки аралаш веноз-артериал қон кетиши кузатилади; асосий гемостаз усулларига чоклаш ва тампонлаб бекитиш киради.

Ҳомиладорлик ва туғруқлар вақтида келиб чиққан турли акушерлик қон кетишлари абдоминал туғдириш учун кўрсатма бўлиб хизмат қилган. НЖЙБК 30,8% ҳолларда, марказий олд келиши 16,6%, ҳомиланинг нотўғри жойлашуви 12,5%, чаноқ-бош диспропорцияси 9,1%, эгиз ҳомиладорлик 9,1%, оғир преэклампсия 5,8%, оғир соматик патология 5,0% ҳолларда кўрсатма бўлган. Қўшма кўрсатмалар 15,0% ҳолларда учраган. Олинган натижалар: 1 тур қон кетиши 69,1% (1 гуруҳ, n=83) ҳолларда ташхисланган. Асосан НЖЙБК ва оғир преэклампсия операцияга кўрсатма бўлган. Ушбу гуруҳда операциянинг давомийлиги  $57,8 \pm 6,3$  минутни ташкил этган. Интраоперацион аралашувлар бачадон артериясини окклюзиялаш (24,0%), компрессион чокларни қўйишдан (12,0%) иборат бўлган. Йўқотилган қон ҳажми  $1054,8 \pm 50,2$  мл га тенг бўлган. 1

синф қон йўқотиш 71,0% ҳолларда, 2 синф қон йўқотишлар 21,6% ҳолларда, 3 ва 4 синфлар - 3,6% ҳолларда кузатилган. Бачадон атонияси билан боғлиқ 1 тур қон кетишларида консервативдори-дармон билан даволаш 64,4% ҳолларда самара берган, 36,6% ҳолатларда гемостазнинг хирургик усуллари: бачадон томирларини окклюзиялаш ва бачадонга компрессион чокларни қўйиш, гистерэктомия қўлланган. 9,65% ҳолларда қон препаратларини қўллаш қайд этилган.

Йўқотилган қон ҳажми  $1014,73 \pm 106,8$  мл бўлган 2 тур қон кетиши беморларнинг 9,1% ида (2 гуруҳ, n-11) ташхисланиб, операциянинг давомийлиги  $52,7 \pm 7,8$  минутни ташкил қилган, 1 синф қон йўқотиш 63,6% ҳолатларда, 2 ва 3 синф қон йўқотишлар 18,1% дан ташхисланган. Интраоперацион аралашувлар, 3-жадвалда кўриниб турганидек, кўпроқ КЧ -45,0% да қўлланган. 2 тур қон кетишида иккинчи гуруҳда консерватив даволашнинг самарадорлиги 46% ни ташкил қилган, қолган 54% ҳолларда, консерватив даволашнинг нафи бўлмаганида, бачадон магистрал қон томирларини окклюзиялаш билан бирга бачадонга компрессион чокларни қўйиш орқали гемостазга эришилган.

Қон кетишининг 3 турига асосан КМҚК ҳамда геморрагик шокнинг турли даражаси бўлган 21,6% (n-26) беморлар киритилган, йўқотилган қон ҳажми  $1540,1 \pm 28,2$  мл га етган. 1 синф қон йўқотиш 26,9% ҳолатларда, 2 синф қон йўқотиш 23,0%, 3 - 15,3% ва 4 синфлар 34,6% ҳолатларда ташхисланган. Инфузион-трансфузион терапия 26,4% ҳолатларда қон препаратларини ўз ичига олган. 3 гуруҳда операциянинг давомийлиги  $96 \pm 6,8$  минутни ташкил қилган. КМҚК ва геморрагик шок билан кечувчи 3 турдаги қон кетишида консерватив даволашнинг самарадорлиги 8,0% га етган, қолган 24,0% ҳолларда бачадон магистрал қон томирларини окклюзиялаш билан компрессион чокларни қўйиш орқали, 16,0% ҳолларда ички ёнбош артерияни боғлаб қўйиш ва гистерэктомия ўтказиш орқали гемостазга эришилган, 11,5% ҳолларда фақат гистерэктомия ўтказилган. 3-гуруҳда ички ёнбош артерияларни боғлаб қўйишдаги қон йўқотиш фақат гистерэктомия ўтказилгандагига қараганда ( $1800,7 \pm 160,2$  мл) ҳаққоний равишда камроқ ( $1400,6 \pm 180,2$  мл) бўлиб чиққан,  $P < 0,05$ .

Олинган маълумотлар асосида муаллиф қуйидаги хулосаларга келган. Йўлдош жойлашган сохадан қон кетишининг 1 турида БТВОУини қўллаш самарали бўлади (25%). Қон кетишининг 2 турида КЧни қўллаш самаралидир (45%). Шок билан 49,0% ҳолларда кечувчи шикаст натижасидаги 3 тур қон кетишида консерватив даволаш фақат 8,0% ҳоллардагина самара беради. 3 тур қон кетиши оналар ўлимига хавф туғдирувчи хатарли ҳолат ҳисобланади. Олинган маълумотлар 3 тур қон кетишида гистерэктомиялар хавфи (ДИ 95% бўлганида НХП=206,1, ХН=7,44) ва қон препаратларини қўлланиши назорат гуруҳидагига нисбатан ошганлигини (ДИ 95% бўлганида ХН=2,23, ИН=2,68) кўрсатади. 3 турда устувор ёрдам кўрсатиш тадбири чанок аъзолари томирларини ички ёнбош ва ташқи ёнбош артериялар томонидан исталган усулда деваскуляризациялашдир, бу қон йўқотишни 1800 мл дан 1400 мл гача, яъни 22,2% га камайтириш имконини беради.

**Диссертациянинг «Патологик қон йўқотишда кесарча кесиш алгоритмини ва компрессион чоклаш технологияларни қўллаш натижалари» деб номланган 4 бобнинг иккинчи қисмида тадқиқотнинг учинчи**

босқичи натижалари баён этилган бўлиб, бунда КК операция вақтидаги КМҚКЗ-гуруҳда (n-177) патологик қон йўқотиш ёки унинг келиб чиқиш хавфи бўлганида ишлаб чиқилган ККни ўтказиш алгоритмининг (бу алгоритм компрессион чоклаш технологияларини, шу жумладан текширувлар чоғида ишлаб чиқилган БТВОУ ва гипотоник қон кетишини даволашнинг КЧ шаклидаги модификациялаштирилган усулини ўз ичига олади) самарадорлиги баҳоланган. Алгоритмнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилар: операция олдидан тайёргарлик анамнезни ва коагулопатияга текширувни, четга оғишлар аниқланганида эса, уларни коррекциялашни, интраоперацион қон кетишида бачадонни босқичма-босқич деваскуляризациялаш, шу жумладан БТВОУ ҳамда КЧни қўллашни ўз ичига олади. Бачадоннинг қисқариш хусусиятлари қониқтирмаганида ва ҚИВ бузилишларида интраоперацион тўхталиш қилиб, бачадоннинг тонус-мотор хусусиятлари тиклангач ҳамда қоннинг ивиш тизими коррекцияланганидан кейин қорин бўшлиғини ёпиб бекитилган. Қон кетишини даволашга кўра аёллар икки гуруҳга ажратилган. I гуруҳда алгоритмни қўллаб абдоминал туғдирилган (n-70), II назорат гуруҳини қон кетишини даволашга анъанавий ёндашган ҳолда абдоминал туғдирилган 107 нафар аёллар ташкил этган. Ҳар бир гуруҳда операция вақтидаги ва ундан кейинги геморрагик асоратлар ўрганилган. Ҳар иккала гуруҳдаги ўртача ёш  $26,4 \pm 0,57$ ни ташкил қилган. Биринчи бор ҳомиладор бўлганлар устунлик қилишган  $-41,4\%$ . 2 ва 3 марта ҳомиладор бўлганлар  $22,8\%$  дан, кўп туққанлар  $12,8\%$ ни ташкил этган. Биринчи гуруҳда операцияга кўрсатмалар: оғир преэклампсия  $36,0\%$  ҳолатларда, НЖЙБК -  $29,0\%$ , ҳомиланинг чанок билан келиши ва нотўғри жойлашуви  $14,0\%$ , марказий олд келиши  $7,0\%$ , кўшма акушерлик кўрсатмалари -  $8,0\%$  ҳолларда учраган,  $6,0\%$  ҳолларда юрак қон томир патологияси (ЮҚТП) билан кечувчи ҳомиладорлик асоратлари кўрсатма бўлган. Иккинчи гуруҳда биринчи ўринни операция қилинган бачадон касаллиги эгаллаган  $-33,6\%$ , преэклампсиянинг оғир шакллари ККга кўрсатма сифатида мос равишда  $22,4\%$ , НЖЙБК  $10,2\%$ ни ташкил этган. Туғруқ пайтида юзага келган ҳомила бошчаси билан чанокнинг номутаносиблиги  $8,4\%$  ҳолларда абдоминал туғдириш учун кўрсатма бўлиб хизмат қилган. Ҳар бир гуруҳда операция вақтидаги ва ундан кейинги геморрагик асоратлар ўрганилган. Олинган натижалар I гуруҳда амалиётнинг вақти ҳаққоний тарзда узайганлигини кўрсатди, чунки интраоперацион тўхталиш гемостаз қарор топгунича 30 дақиқа атрофида бўлган. I-гуруҳда операция вақтида  $46,0\%$  ҳолларда БТВОУ ва  $54,0\%$  - КЧ,  $27,1\%$  ҳолларда булар биргаликда қўлланган. I-гуруҳда операция вақтида йўқотилган қон ҳажми  $1069,2 \pm 60,5$  мл ни ташкил этган. I синф қон йўқотиш (туғруқдан кейинги қон кетишини даволаш бўйича миллий стандартлар) I-гуруҳда  $62,8\%$ , иккинчисидан  $51,4\%$  ташхисланган, 2 синф қон йўқотиш  $18,5\%$ , иккинчиси  $19,6\%$ , 3 синф қон йўқотиш  $12,8\%$ , иккинчисидан  $-9,6\%$ , 4 синф I гуруҳда  $5,7\%$  ва иккинчисидан  $8,4\%$  ҳолларда ташхисланган. Гистерэктомиялар I-гуруҳда  $4,2\%$  ҳолларда, асосан 3 ва 4 синф қон йўқотишда, БТВОУ ва КЧ самара бермаганида амалга оширилган.  $13,0\%$  ҳолларда қон препаратлари қўллаш қайд этилган. Иккинчи гуруҳда гистерэктомия  $7,4\%$  ҳолларда ўтказилган, йўқотилган қон ҳажми  $1402,0 \pm 32,5$  мл ни ташкил этган, қон препаратлари  $19\%$  ҳолларда қўлланган. Операциядан кейинги даврда биринчи

гуруҳда бачадон субинволюцияси ҳамда тана ҳароратининг кўтарилиши кўринишидаги асоратлар 7,1%, иккинчи гуруҳда эса 2,8% ҳолларда учраган. Иккинчи гуруҳда бирламчи қон кетиши 2,8% ҳолларда кузатилиб, бу 0,9% ҳолатларда реллапаротомияга сабаб бўлган. Текширилган гуруҳда йўлдошнинг ҳаққоний битишиб кетиши (percreta) 5,7% да ташхисланган. Ўртача қон йўқотиш  $2300 \pm 245,23$  мл ни ташкил қилган. Барча ҳолатларда босқичма-босқич даволаш қўлланган: интраоперацион ташхислашда муассасанинг захирасини максимал даражада ишлатиш учун операцияни тўхтатиб туриш, йўлдошдан ташқарида кесим ўтказиш, йўлдошга тегмасдан ИЁАБни қўллаган ҳолда бачадонни босқичма-босқич деваскуляризация қилиш, думғаза-бачадон бойлами томирларига лигатура қўйиш (ташқи ёнбош артерия), шундан кейингина - мультидисциплинар ёндашувда гистерэктомия бажариш. Бундай ёндашувнинг қўлланиши интра-постоперацион асоратларнинг (реллапаротомия, полиорган етишмовчилиги - ПОЕ, ОЎ) олдини олиш имконини берган.

Операциядан олдин қон ивиш тизими ўрганилганда қоннинг коагуляцион хусусиятлари бузилганлиги аниқланиб, ПТВ ва АЧТВнинг узайиши билан намоён бўлган, бу КК вақтида кўп қон йўқотиш хавфини келитириб чиқариши мумкин. Биринчи гуруҳда операциядан кейинги даврда гемостаз тизимини текширишда ҳам прокоагулянт, ҳам томир-тромбоцит бўғинлари бўйича гиперкоагуляцияга умумий мойиллик мавжудлиги аниқланган. Биринчи гуруҳда гемостазиограмма параметрларининг ўртача қийматлари: фибриноген  $4,5 \pm 0,6$  г/л, протромбин вақти  $14,2 \pm 0,8$  сек, АЧТВ кўрсаткичи  $29,9 \pm 3,6$  сек гача қисқарган. Бундан ташқари, қон ивишининг томир ичида фаоллашуви белгилари тромбофилияга мойилликнинг муҳим аломатлари ҳисобланган - РФМК қонцентрацияси 6,5 дан 10,0 гача ораликда бўлган. Иккинчи гуруҳда мос равишда фибриноген  $4,0 \pm 0,6$  г/л (1-гуруҳга қиёсланганда  $p < 0,05$ ), протромбин вақти  $16,2 \pm 0,8$  сек, АЧТВ кўрсаткичи  $32,2 \pm 3,6$  сек, РФМК  $3,5 \pm 0,3\%$  ни ташкил қилган ( $p < 0,001$ ). Шундай қилиб, юқори хатар гуруҳига мансуб аёлларда кесарча кесиш операцияси вақтида КЧ усулини қўллаш интра- ва постоперацион даврда қон йўқотилишини камайтиришга ёрдам беради, қон компонентларининг қўлланиши камайдиган (ИН=0,74 бўлганида НХП=3,4, ДИ 95% бўлганида ХН=0,79), гистерэктомиялар 1,7 баробар (ИН=0,55 да ХНП =7,6, ДИ 95% да ХН=0,57), туғуруқдан кейинги қон кетиш (ТКҚК) лар ва реллапаротомия кўринишидаги асоратлар камайдиган. 3-4 дажарали қон кетиши вақтида КЧ қўлланилганида уларнинг самарадорлиги пасаяди, бундай ҳолларда уларни қўлламаслик тавсия этилади. Операциядан кейинги давр ҚИВнинг гиперкоагуляция ҳолатини, ҳамда септик асоратлар хавфини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши лозим.

Диссертациянинг «**Ҳамроҳ юрак-қон томир патологияси бўлган ҳомиладорларни туғдиришда қонни асровчи технологиялар**» 4.бобнинг учинчи қисмида ЮҚТП бўлган ҳомиладорларни туғдиришда қонни асровчи технологияларни қўллаш натижалари баён қилинган. Маълумки ЮҚТП операция билан туғдиришга етакчи кўрсатмалардан биридир. Айниқса ЮҚТП ва қон айланишининг етишмовчилиги (ҚАЕ) ҳолларида ҳомиладорларни абдоминал туғдириш мақсадга мувофиқдир, бунда инфузион терапия ва

утеротоникларнинг қўлланилиши юрак-қон томир тизимининг бузилишига олиб келиши мумкин ва ўткир юрак етишмовчилиги ва ўпкалар шиши ривожланишигача бўлган ҳолатнинг ёмонлашувини келтириб чиқаради. ҚАЕ билан асоратланган соматик патологияли ҳомиладорларни абдоминал йўл билан туғдиришда ишлаб чиқилган қонни асровчи технологияларнинг самарадорлиги тадқиқ этилган. Қон кетишини даволашга кўра беморлар 2 гуруҳга ажратилган, 1-гуруҳ КЧ қўлланилган (n-74) ва 2-гуруҳ – КЧ қўлланилмаганлар (n-60). II-III даражали қон айланиши бузилишлари ҳамда уларнинг акушерлик патологияси билан қўшилиб келиши КЧга кўрсатма бўлиб хизмат қилган.

Операциянинг давомийлиги асосий гуруҳда ва таққослов гуруҳида мос равишда  $34,3 \pm 2,3$  минут ва  $37,6 \pm 3,3$  минутни ташкил этган. Интраоперацион қон йўқотилиши 400 мл дан 2500 мл гача, ўртача I гуруҳда  $573,6 \pm 34,9$  мл, иккинчи гуруҳда -  $670,8 \pm 47,8$  мл бўлган. Биринчи гуруҳда 3,9% ва иккинчи гуруҳда 5,5% ҳолатларда қўшимча равишда аралашувни талаб этувчи қон кетиши ташхисланган. I-гуруҳда БТВОУ усуллари 8,1% ҳолатда, КЧ - 4,0%, гистерэктомия 1,3% ҳолатларда қўлланган. Иккинчи гуруҳда қон кетиши ТКҚҚни даволаш баённомасига биноан тўхтатилган, 3,3% ҳолларда операциядан кейин бачадон гипотонияси кузатилиб, уни анъанавий қонсерватив усулларда бартараф этилган (гемо-плазмотрансфузия, утеротониклар, бачадонни уқалаш). Шунингдек, окситоцинни қўллаш ва инфузия ҳажмини кўпайтириб юбориш оқибатида 3,3% ҳолларда ҳолатнинг ёмонлашуви қайд этилган, 1-гуруҳда бундай ҳолат кузатилмаган (ДИ 95% бўлганида МХП=0,03). Ўтказилган тадқиқот абдоминал туғдиришда атонияни даволаш мақсадида компрессион чокларнинг самарадорлигини тасдиқлайди, булар ЮҚТПда туғдириш пайтидаги асоратларни камайтиришга имкон беради. Муаллиф хулосасига кўра, компрессион чокларнинг афзаллиги ЦҚХни ошириш, ҳамда ЮҚТТга салбий таъсир этувчи препаратларни қўллашни камайтиришдан иборат.


Диссертацияни «**Қон кетишини босқичма-босқич назорат қилиш ва даволашнинг комплекс усулини қўллаш натижалари (ҚКББНҚДУ)**» деб номланган бешинчи бобида, ишнинг асосий мақсади қон кетишини босқичли назорат қилиш ва даволаш тактикаси (ҚКББНҚДУ) ёки damage control surgery технологиясини акушерлик амалиётига жорий этилган. Бундай боқичма-босқич даволаш технологиялари тиббиётнинг шок ҳолатларини даволаш билан боғлиқ бўлган соҳалари – ҳалокатлар тиббиёти, ҳарбий-дала хирургиясида қўлланилади, буни ходимлар ва препаратлар имкониятлари чекланган шароитларда, шунингдек беморнинг аҳволи барча шикастларни бирваракайига бартараф этишни кўтара олмайдиган оғир политравмаларда қўллаш леталликни салмоқли пасайтиришга имкон берди. Бунда босқичма-босқич ёрдам кўрсатиш беморнинг омон қолишига ёрдам беради. Тадқиқотнинг сўнгги босқичида акушерлик амалиётида қон кетишини босқичма-босқич назорат қилиш ва даволаш тактикасининг асосий ҳолатлари баён қилиниб, булар кўп қон йўқотганларнинг турли когортасида апробациядан ўтказилган, биз ишлаб чиққан қонни асровчи технологиялар ва алгоритмларни ўз ичига олган. Қон кетишини босқичли назорат қилиш ва даволаш усули 3 босқичдан иборат. 1-босқич – қон кетишини даволашнинг миллий стандартига мувофиқ бирламчи ёрдам, қон кетиш

сабаблари ва манбаини излаш, лапаротомия ва вақтинчалик ёки доимий гемостаз, бу клиник вазиятдан ҳамда шифокорнинг тажрибасидан келиб чиқади. Қон кетиш турига кўра (тасимланиш усули) ва «оддийдан мураккабга» ҳамда «зиён келтирма» тамойилига кўра жарроҳнинг тайёргарлик даражаси ва услубни ўзлаштирганлик даражасидан келиб чиқиб хирургик гемостаз ўтказиш. Параллел равишда ГШнинг олдини олиш ва уни даволаш учун юрак фаолиятини гемодинамик қувватлаб бориш. 2-босқич: бемор ҳолатини барқарорлаштириш ва уни шок ҳолатидан олиб чиқиш, ЦҚХни, қон ивиш потенциалини тўлдириш, заруратга кўра юқори малакали врачларни чақириш. Охириги 3-босқич бемор ҳолатини батамом барқарорлаштириш шароитида тўлиқ гемостаз ўтказишга, ҳамда мультидисциплинар бригада ёрдамига йўналтирилган.

Тадқиқот маълумотларига кўра қон кетишини босқичма-босқич назорат қилиш ва даволаш тактикасига кўрсатмалар КМКҚ ва ОЎга олиб келувчи ва босқичли ёрдамни талаб қилувчи исталган вазиятлар бўлиши мумкин. 1. Қон кетиш тасимланишининг ишлаб чиқилган усулига мувофиқ 3 тур қон кетиши. 2. Йулдошнинг бачадон деворига ва бачадон ташқарисигача ўсиб кириши ёки битишиб кетиши. 3. Бир вақтнинг ўзида 1500-2000 мл ёки ЦҚХнинг 25-35% ҳажмида қон йўқотилиши. 4. Геморрагик шок ва 1500 мл дан зиёд давом этаётган қон кетиши, беқарор гемодинамика. 5. Бачадоннинг пастки сегментида ёрилиши ва қоринпарда орти бўшлиғи ҳамда бачадон сербар бойлами гематомаси, шок билан бирга қўшилиб келиши. 6. Давом этаётган қон кетиши замирида релапаратомия. 7. Юқорида қайд этилган ҳолатларда тотал гистерэктомия ва ички ёнбош артерияни боғлаб қўйиш операциясини сифатли бажара олувчи тажрибали мутахассиснинг йўқлиги. 8. Асоратлар келиб чиққанида кўшимча мутахассислар – жарроҳлар, урологлар, гематологлар ва бошқаларни жалб этиш зарурати. Шунингдек мазкур технологияга кўрсатмалар акушерлик қон кетишини даволаш баённомасига (стандартига) риоя қилиш имкони бўлмаганида, яъни турли сабабларга кўра диссеминацияланган томир ичида қон ивишини коррекциялаш учун препаратлар, акушерлик қон кетишини даволаш баённомасининг (стандартининг) негизида ётувчи ички ёнбош артерияларини боғлаш билан ўтказилувчи тотал гистерэктомиyani амалга ошира олувчи тажрибали мутахассислар, томир жарроҳлари бўлмаганида юзага келади. Қон кетиши градациясига кўра ҚКББНКДУ 2 та алгоритмни ўз ичига олади ва йулдош жойлашган сохадан қон кетишида 9 та босқичдан ташкил топади (2-расм).

Бир нечта усулларни биргаликда қўллаш мумкин, бу қон кетишини тўхтатиш имконини оширади. Исталган банднинг бажарилиши қон кетишининг тўхташига олиб келиши мумкин. Алгоритмнинг дастлабки 4 босқичи оддий усуллар бўлиб, уларнинг негизида йулдош ўриндиғини муваққат блокада қилишга (веноз қон кетиши) йўналтирилган бачадонни қисиш ва ташқи-ички тампонлаш ётади. Муаллифнинг фикрича улар фақат лапаратомия қила олувчи врачлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Алгоритмнинг навбатдаги 3 банди КЧТни ўз ичига олади ва кесарча кесиш операциясини ўтказа олувчи ҳамда субтотал гистерэктомия тажрибасига эга врачлар томонидан ўтказилиши мумкин. 8-9 бандлар фақат тайёргарликдан ўтган юқори малакали врачлар

томонидан бажарилиши мумкин. Алгоритмнинг ўзига хос жиҳати шундаки, ҳар бир босқичда қон кетишини тўхтатишнинг имкони бор.




2-расм. Йулдош жойлашган сохадан қон кетишида кичик чанок аъзоларини деваскуляризациялаш алгоритми

Шикаст оқибатида қон кетиши бошқарилиши энг қийин бўлгани саналади, чунки қон кетиши кўпинча артериал бўлиб, кўплаб асоратларга эга, Оўнинг энг кўп учровчи сабабчисидир. Ёрдам кўрсатиш усули 5 босқичга ажратилган бўлиб, дастлабки учтасини ҳар қандай тайёргарликка эга врачлар, асосан босиш ва тампонлаш усуллари ёрдамида ўтказишлари мумкин, қолган 2 босқич малакали мутахассисларга мўлжалланган. Юқорида баён этилган тактикани баҳолаш учун сўнгги босқичда КК йўли билан операция қилиб туғдиришда ва КК вақтида ҳаддан зиёд қон йўқотишда босқичма-босқич назорат қилиш ва даволаш тактикасига кўрсатмалар салмоқли қон кетиши гуруҳида 10,5% ҳолатларда бўлган (4-гуруҳ, n-38). Тадқиқотнинг ретроспектив фазасида олинган натижаларни Оў билан таққосланган (1-гуруҳ). Ўртача ёш  $28,0 \pm 0,4$  ни ташкил этган. Паритетга кўра биринчи бор ҳомиладорлар 26,3%, такрор ҳомиладорлар ва такрор тукқанлар 31,5% бўлган. 3 ва 4 ҳомиладорликлар ва туғруқлар мос равишда 26,3% ва 15,7% ни ташкил этган. Операциялар асосан шошилинч ўтказилган (86,8%). ККга кўрсатмалар орасида кўпроқ НЖЙБК 28,9%, йулдошнинг марказий олдин келиши - 26,3% ҳолларда, кўп ҳомидали ҳомиладорлик 10,5% ҳолларда, қон кетиши ва шок замиридаги релапаротомиялар кўринишидаги шошилинч вазиятлар 10,5%, бачадон ёрилишлари 5,2% ҳолларда учраган.

Қон кетиши тақсимланишига кўра йулдош жойлашган сохадан қон кетиши 86,8% ва травматик қон кетиши 13,1% кузатилган. Қон

кетишитақсимланишининг таклиф этилган усулига кўра биринчи тур қон кетиши 31,5%, 2 тур 13,1%, 3 тур 52,6% ҳолларда ташхисланган. 1 синф қон кетиши 26,3% ҳолларда, 2 синф – 28,9%, 3 синф – 23,6% ва 4 синф – 18,4% ҳолларда ташхисланган. 3 тип қон кетиши 52,6% ҳолларда 3-4 даражали кенг кўламли қон кетиши кўринишида содир бўлган, бу ҳам текширилаётган гуруҳдаги критик вазиятдан гувоҳлик беради.

### Травматик қон кетишида алгоритм



33

3-расм. Шикаст оқибатида қон кетишида ҳаракатлар алгоритми


Ҳомила чиқариб олингандан кейинги интраоперацион аралашувлар қон кетишини босқичма-босқич назорат қилишнинг 1-босқичи сифатида 47,3% БТВОУини ўз ичига олган, компрессион чоклар 39,4% ҳолларда, гистерэктомия 23,6%, ички ёнбош артериясини боғлаб қўйиш 15,7% ҳолларда, асосан 3 тур қон кетиши кузатилган аёлларда қўлланилган. Шунингдек аортани сиқиб қўйиш 10,5%, томир тутамига қисқич қўйиш (15,7%), бачадонни икки қўллаб сиқиб қўйиш (10,5%) каби қон кетишини вақтинчалик тўхтатиш тадбирлари интраоперацион қўлланилган. Операция давомийлиги, интраоперацион тўхталишни ҳисобга олган ҳолда  $68,0 \pm 18,08$  минутни ташкил қилган. Интраоперацион тўхталиш ўртача  $34 \pm 1,2$  минутга етган. Тўхталиш 21,9% ҳолларда ИЁАБ ва тотал гистерэктомия кўринишидаги қўшимча аралашувлар учун мутахассислар ёрдамидан, қорин бўшлиғини тафтиш қилиш учун жарроҳлардан фойдаланиш имконини берган. Операция вақтида йўқотилган қон ҳажми  $1637,6 \pm 108,97$  млни ташкил этган. 86,8% ҳолларда қорин бўшлиғини асосан қин орқа гумбази орқали дренажланган. Чилла даврида тампонада элементлари 10,5% ҳолларда қўлланилган. Операциядан кейингидавр турли даражадаги анемия замирида кечган, бироқ септик ва релапаротомия ва ПОЕС кўринишидаги бошқа асоратлар бўлмаган.

ҚКББНҚДУини интраоперацион тўхталиш билан бирга қўллаш куйидаги афзалликларга эга:

Алгоритмга кўра нтраоперацион тўхталиш куйидагиларга имкон берган:

- тажрибалироқ мутахассисларни чақириш учун вақтдан ютиш;
- бачадоннинг қисқариш хусусиятларининг барқарорлигига ишонч ҳосил қилиш ва имкон қадар гемостазнинг кўшимча хирургик чораларини кўриш, релапаротомия вақтидаги Оўнинг хавф омилини камайтириш;
- шок ҳолатидаги беморнинг аҳволини барқарорлаштириш, ҚИВ ва ЦҚХни тиклаш.Шуниси ўта муҳимки, технологиянинг қўлланиши гемоглобиннинг ўта паст даражаси ва шок вазиятида (бу омиллар КМҚК омон қолгандан кейин 58% ҳолларда ўлим билан якун топишнинг асосий сабаби бўлган) гистерэктомия утказиш замиридаги Оўнинг муҳим омилларидан бирини чиқариб ташлаш имконини берган.

### Қон кетиш типларида қўлланилган хирургик гемостаз усуллари (градация бўйича)



#### 4-расм.ҚКББНҚДУда оператив аралашув кўрсаткичлари

Шундай қилиб, КМҚКга карамай 49% ҳолларда ҚКББНҚДУнинг қўлланилиши ҳаёт учун хавфли геморрагик асоратларни камайтиришга, оналар ўлими ҳолатларига йўл қўймасликка имкон берган.

Диссертациянинг **“Ишлаб чиқилган усулнинг иқтисодий самарадорлиги”**деб номланган олтинчи бобида тиббий технологиянинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги баён этилган. Таклиф этилган технологияда аъзони сақлаб қолувчи технологиялар самарадорлиги кўрсаткичи сифатида гистерэктомиялар сонининг мавжудларига қараганда 2 баробар пасайиши қайд этилади. Даволаш ҳаражатларини пасайтиришдан олинган иқтисодий самара куйидаги формула бўйича ҳисобланади:  $E = [(M1 - M2) + (C1 - C2) + (V + E) \times 0,6] \times N - 0,15 \times K$ . Бу ерда M1-M2 даволаш учун препарат нархини камайиши; M1 биринчи гуруҳда қон компонентларига 444700 сўм.

Иккинчи гуруҳда қон препаратлари учун жами  $M_2=1078800$  сўм сарфланган.  $C_1$ - $C_2$  – беморнинг стационарда ётиш давомийлигини қисқартириш.  $C_1$  биринчи гуруҳдаги ўртача 6 кун,  $C_2$  – иккинчи гуруҳдаги ўртача 6 кун.  $B$  – ТТБнинг аниқ муассасаси учун бир ётоқ кун нархи (20000 сўм/кунига);  $E$  – вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бўйича ўртача нафақа қиймати (сўм/кун) – кунига 6500 сўм; 89%и уй бекалари эканлигини инобатга олган ҳолда 2015 й сентябридан бошлаб ўртача нафақа бўйича 156.310 сўм ҳисобланган, 0,6 – ишловчилар коэффициентлари (вояга етмаганлар, пенсионерлар ва уй бекаларини ҳисобга олмаганда);  $H$  – жорий этиш кўлами; Ўзбекистон бўйича 2014 йилда 658000 та туғруқ, улардан акушерлик қон кетиши оғирлигига кўра ўртача 0,2%дан 2,9%гача ташкил қилади. Эвр =  $[(M_1 - M_2) + (C_1 - C_2) + (B + E) \times 0,6] \times H - 0,15 \times K$   
 $K = [(1\ 078\ 800 - 444\ 700 \text{сум}) + (6 - 6) + (20\ 000 + 6\ 500) \times 0,6] \times 13\ 160 - 0,15 \times 242\ 405\ 910$  сўм = 5179736714 сўм, формулага кўра 1 йил мобайнида акушерлик қон кетишларини даволаш ва назорат қилишнинг босқичли технологиясини қўллаш туфайли даволаш харажатларини камайтиришдан олинган иқтисодий самараси қиймати шундай.

## ХУЛОСА

1. Оўда КМКҚ асосий триггери (35%) гипертензия ҳолатлари ҳамда қон ивишининг бузилишлари билан бирга кечувчи йулдош патологиясидир (НЖЙБК, ЙПЖ, йулдошнинг олдинда келиши). Қон кетишини мониторинглашнинг ишлаб чиқилган харитасининг қўлланилиши даволаш стандартидан оғишларни аниқлашга ёрдам берди ҳамда бой берилган имкониятларни аниқлаб берди. Кузатувларнинг 78% фоизда даволаш стандартларига амал қилмаслик, айниқса компрессион-чоклаш технологияларини етарлича қўлламастан олиб борилувчи хирургик гемостазнинг қўлланганлиги аниқланган. Танатогенезнинг ўзига хос хусусиятлари туғруққа ёрдам, ҳамда ҳар қандай тажрибага эга мутахассислар учун мос технологияларни яратиш зарурлигини тақозо этади.

2. СТЭБ орқали ўтган Оў хужжатларини таҳлил этиш қуйидагиларни кўрсатди:

- даволашда камчиликлар мавжудлиги – операция амалиётининг кеч амалга оширилиши ва стандартнинг хирургик сегментига риоя қилмаслик (60%);

- ташхислашдаги камчиликлар: қон йўқотиш ҳажмига етарлича баҳо бермаслик (78%)ёки қорин ичига қон кетишини кеч ташхислаш (12%);

- ташкилий камчиликлар: хирургик деваскуляризацияни ўтказувчи ходимларнинг йўқлиги, натижада бошқа мутахассисларни уйдан чақирилган, бунинг оқибатида 34% ҳолларда ёрдам кечикиб берилган. Демак, инсон омили ҳамда вақт омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган.

3. Ишлаб чиқилган қон кетиши ақсимланиши ички ва ташқи ёнбош артериялари томонидан қон билан таъминланиш хусусиятларини инобатга олади ва қон йўқотиш ҳажмига кам боғлиқ эканлигини кўрсатади, чаноқ аъзоларини босқичма-босқич дифференциал деваскуляризациялашга имкон беради: 1 турда (бачадон танасидан қон кетишида) магистрал бачадон томирларини боғлаб қўйиш энг самаралидир (66,6%). 2 турда (бачадон бўғиз қисми, пастки сегментидан қон кетиши) компрессион чоклар энг самарали (83,3%)

ҳисобланади. Қон кетишининг 3 тури (бачадон бўйни, қиннинг юкори учдан бир қисми, параметрий ва қоринпарда орти бўшлиғи соҳаси) 49% ҳолларда КМҚКга олиб келади (сезгирлиги 0,68, спецификлиги 0,85), ички ёнбош артериясини боғлаб қўйиш ва тотал гистерэктомия (30,4%) устувор ҳисобланади (1 типга нисбатан ДИ 95% бўлганида НХП=206,1 ХР=7,44).

4. Қон кетиши ва (ёки) КМҚЙ хавфи бўлган ҳоллардаги (PROG 2009) КК алгоритми қуйидаги қон кетиш кўрсаткичларнинг камайишига олиб келади:

- қон йўқотиш ҳажми (1354,1±60,1 мл дан 1104,8±81,7 мл, P<0,05);
- қон компонентларининг қўлланиши (НХП =3.4, при ИН=0,74, ХР=0,79 ДИ 95% да);

- гистерэктомиялар қилинишининг 1,7 баробарга (ИН=0,65, ХН=0,57 бўлганида НХП =7,6, ДИ 95% да);

- релапаротомиялар ва ТКҚК камайиши.

Йулдош битишиб кетганида бачадонни, ички ёнбош артериясини боғлашдан бошлаб, босқичма-босқич деваскуляризация қилиш зарур, бу қон йўқотиш ҳажмини 22,2%га қисқартиради. Шокнинг 3-4 даражасида КЧ қўлланилганда унинг самарадорлиги пасаяди, бундай ҳолларда уларнинг қўлланилиши чекланиши лозим. КЧдан кейин операциядан кейинги давр яққол гиперкоагуляциясини ҳамда бачадон инволюциясининг секинлашиш хавфини инобатга олган ҳолда олиб борилиши даркор.

5. ҚАЕ билан асоратланган ЮҚТП бўлган аёлларда ККда алгоритмнинг қўлланиши геморрагик асоратларнинг камайишига, ЦҚХни 1255,26±93,9 мл дан 890,48±73,9 мл гача (P<0,05) оширувчи инфузиянинг пасайишига, утеротоникларни қўллашнинг камайишига ва мос равишда уларнинг юрак-қон томир тизимига салбий таъсирининг камайишига олиб келади (МХП=0,03, ДЛБС=30, ДИ 95% бўлганида).

6. Ресурслар чекланган шароитларда ҳамда ТКҚК ва ГШни даволаш стандартларига вақт бўйича риоя қилиш имкони бўлмаганида ҳамда бошқа ностандарт вазиятларда КМҚК ривожланганида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш учун қон кетишини босқичма-босқич назорат қилиш ва даволашнинг ишлаб чиқилган тактикасини (damage control surgery) қўллаш зарур:

- тажрибалироқ мутахассисларни чақириш учун вақтдан ютиш ва шунинг билан техник хатоликларни ва ятрогенияни камайтириш;

- операция вақтида бачадоннинг қисқарувчанлик хусусиятига ишонч ҳосил қилиш ва заруратга кўра гемостазнинг қўшимча хирургик чора-тадбирларини кўриш, бу Оўнинг навбатдаги омили – релапаротомияни камайтириш (29,4%) имконини беради;

- шокда бемор ҳолатини барқарорлаштириш, ЦҚХни тиклаш, ДВСнинг олдини олиш мақсадида (Оўда 46%) ҚИТни коррекциялаш учун қон ивиш омилларини тўлдириш.

Технологиянинг қўлланиши гемоглобин кўрсаткичининг ўта паст даражасида ва шок заминида КМҚК ишидаги Оўнинг асосий сабабларидан бири гистерэктомиянинг камайишига (82,3% дан 65,0%гача), ГШ замиридаги гистерэктомия операциясидан кейинги даврда такдиқикотимиза кура 58% КМҚК кейин тирик қолган аёллардаги Оўнинг асосий сабаби булмиш ПОЕ камайишига олиб келди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ПЕДИАТРИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР АКУШЕРСТВА И  
ГИНЕКОЛОГИИ**

**ЮСУПБАЕВ РУСТЕМ БАЗАРБАЕВИЧ**

**ПУТИ СНИЖЕНИЯ МАТЕРИНСКОЙ СМЕРТНОСТИ ПРИ  
ОПЕРАТИВНОМ РОДОРАЗРЕШЕНИИ**

**14.00.01 - Акушерство и гинекология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА(DSc)  
МЕДИЦИНСКИХ НАУК**

**ТАШКЕНТ – 2018**

**Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.2.DSc/Tib148**

Докторская диссертация выполнена в «Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре акушерства и гинекологии».

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz) на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” по адресу [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

**Официальные оппоненты:**

**Аюпова Фарида Мирзаевна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Каттаходжаева Махмуда Хамдановна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Негматжанов Боходур Болтаевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** **Днепропетровская медицинская академия МЗ**  
**Украина**

Защита состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. По адресу: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, улица Богишамол, дом 223. Малый зал Ташкентского педиатрического медицинского института (Тел./факс: (+99871) 2623314; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz))

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирован за №\_\_), по адресу: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, улица Богишамол, дом 223.Тел./факс: (+99871) 2623314.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(Реестр протокола рассылки №\_\_ от \_\_\_\_\_ 2018 года).

**А. В. Алимов**  
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней,  
доктор медицинских наук., профессор

**Э. А. Шамансурова**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

**Д. И. Ахмедова.**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению  
учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), более 99% случаев смерти матерей (МС) приходится на развивающиеся страны, а более половины из них – на государства Азии<sup>1</sup>. Анализ материнской заболеваемости и смертности за последние 10 лет показал, что при оперативном родоразрешении идентичные проблемы повторяются из года в год. Основной причиной материнской смертности остается кровотечение во время беременности и родоразрешения, особенно при кесаревом сечении (КС). В связи с чем, что большое количество осложнений связано с продолжающимся кровотечением, это ставит проблему интраоперационного гемостаза на первое место. Снижение количества интра- и послеоперационных осложнений зависит от разработки новых и совершенствования существующих методов и является важной задачей практического акушерства.

Для повышения эффективности мероприятий по снижению материнской заболеваемости и смертности в мире ведется внедрение в клиническую практику высокоэффективных технологий и подходов, рекомендованных доказательной базой многоцентровых рандомизированных исследований, разработка и усовершенствование методов ранней диагностики и лечения больных с акушерскими кровотечениями, выявление и снижение вероятности воздействия факторов риска. Разработка комплекса диагностических алгоритмов и обоснование новых кровосберегающих технологий, направленных на снижение материнской заболеваемости и смертности, связанных с акушерскими кровотечениями при оперативном родоразрешении остается одним из приоритетных направлений в акушерстве.

Согласно стратегии Действий развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы были определены следующие задачи - «укрепление здоровья семьи, охрана материнства и детства, расширение услуг медицинской помощи детям и матерям, оказания им специализированной и высокотехнологичной медицинской помощи, предпринять в широком масштабе меры по снижению младенческой и детской смертности»<sup>2</sup>. В связи с этим необходимо поднять на новый уровень оказание медицинской помощи населению, в том числе исследований по разработке и обоснованию новых кровосберегающих технологий, направленных на снижение материнской заболеваемости и смертности, связанных с акушерскими кровотечениями при оперативном родоразрешении.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным

---

<sup>1</sup> Trends in maternal mortality 1990–2013. Geneva: World Health Organization; 2014 (<http://apps.who.int/>).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси».

направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годы» от 7 февраля 2017 года и в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики V. «Медицина и фармакология».

### **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>3</sup>.**

Научно-исследовательские работы, направленные на снижение материнской смертности и заболеваемости от кровотечений осуществляются в ведущих научных центрах и в высших образовательных учреждениях мира, в том числе American College of Obstetricians and Gynecologists (ACOG), American Academy of Family Physicians, School of Public Health, and Carolina Population Center, University of North Carolina at Chapel Hill, NC (США), Department of Obstetrics and Gynecology, International Federation of Obstetrics and Gynecology (FIGO), Royal College of Obstetricians and Gynaecologists (RCOG), Pushpagiri Medical College (Индия), ФГБУ "Научный центр акушерства, гинекологии и перинатологии имени академика В.И. Кулакова, Сибирский Государственный Университет (Россия), Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр акушерства и гинекологии (Узбекистан).

В научно-исследовательских работах, которые проводятся в мире в сфере акушерства, одним из приоритетным направлением является усовершенствования мероприятий по лечению чрезмерной кровопотери при выполнении операции кесарево сечения, разработка и обоснование новых кровосберегающих технологий. К настоящему времени получены следующие данные: выработаны основные факторы риска чрезмерной кровопотери (American Academy College of Obstetricians and Gynecologists (ACOG)); выявлены маркеры генетического риска при акушерской чрезмерной кровопотери при КС (American Academy of Family Physicians, School of Public Health, Carolina Population Center, University of North Carolina at Chapel Hill (АКШ)). Установлено, эффективность и недостатки компрессионных швов при чрезмерной кровопотере (Department of Obstetrics and Gynecology, International Federation of Obstetrics and Gynecology (FIGO)); установлено, что в последнее время наблюдается тенденция к увеличению частоты чрезмерной кровопотери с нарушением системы свертывания крови (Pushpagiri Medical College); определена значимость операции по В-Lynch для акушерских кровотечений (University of Oldenburg, Германия; University of Bern, Швейцария); в исследованиях показано что для акушерских кровотечений характерны внезапность и высокая скорость кровопотери, что при сниженных

---

<sup>3</sup>www. Pubmed; www. Hindawi; www. BMJ Open; www.guideline.gov; <http://elibrary.ru> Maternal mortality factsheet No. 348. Geneva: World Health Organization 2014 ; Say L, Chou D, Gemmill A, Tunçalp Ö, Moller AB, Daniels JD, et al. Global causes of maternal death: WHO systematic analysis. Lancet Glob Health 2014; Trends in maternal mortality 1990–2013. Geneva:World Health Organization, 2014 (<http://apps.who.int/>).

адаптивных возможностях организма роженицы на фоне соматических заболеваний и патологии беременности способствует быстрому развитию коагулопатии, явлений шока и полиорганной недостаточности (Department of public health Sciences (США); увеличение частоты приращения плаценты во время КС, которое почти всегда требует применения перевязки внутренней подвздошной артерии (ПВПА), что иногда для акушера, осуществляющего операцию, становится невыполнимой задачей (ФГБУ "Научный центр акушерства, гинекологии и перинатологии имени академика В.И. Кулакова Минздрава Россия); авторы подчеркивают, что в последнее время наблюдается тенденция к увеличению частоты массивных кровотечений при КС с нарушением системы свертывания крови и приращением плаценты (Сибирский Государственный Университет).

